

# Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил  
11 октябрь  
сешанба  
№ 124 (4720)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

## Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев 10 октябрь куни «Нито Агепа» спорт саройига ташиф буюриб, дзюдо бўйича жаҳон чемпионати беллашувларини томоша қилди.



Давлатимиз раҳбари «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



12-14 октябрь кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ўзаро ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилиши, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳамда «Марказий Осиё – Россия» саммитида иштирок этиш учун Қозғоғистон Республикасига ташиф буюради.



Татаристон раҳбари Рустам Миннихонов амалий ташиф билан Ўзбекистонга келди.




Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Исландиянинг «Loffleidig» компанияси вице-президенти Эрлендюр Сваварссон бошчилигидаги делегация билан музокара-лар бўлиб ўтди.



Самарқандда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ҳарбий алоқа бошлиқларининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг егмиш биринчи сессиясида Тошкент шаҳри кўчаларида транспорт воситаларининг юқори тезлигини соатига 60 километргача чеклаш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.



Марказий банк бошқарувининг «Марказий банк томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.



Ўзбекистон Нотариал палатаси Биносида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходимлари ҳамкорлигида Озарбайжон Нотариал палатаси ҳамда Адлия вазирлиги масъул ходимлари иштирокида zoom платформасида «Электрон апостиль дастури» мавзусида мулоқот бўлиб ўтди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди



## ДУНЁНИ ЧИН СЎЗ ВА ДАДИЛ ҲАРАКАТЛАР ИШОНТИРА ОЛАДИ



Семинар

### Фойдали ва самарали мулоқот

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни муносабати билан видеоконференц алоқа шаклида семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги бир қатор лойиҳалари координаторлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари мутасаддилари, ҳудудий кенгашлар масъуллари, пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ўтказилаётган Миллий мониторингнинг ҳудудий гуруҳлари аъзолари, касаба уюшмалари меҳнат инспекторлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, муносиб меҳнат куни бир неча йилдирки, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан кенг нишонланиб келинмоқда. Бунда давлат органлари ва иш берувчилар биллашмалари ҳам фаол қатнашапти.

Айтиш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистон муносиб меҳнат борасида сезиларли даражада фаоллик кўрсатмоқда, – деди Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистондаги миллий координатори Азизхон Ханходжаев. – Хусусан, уч томонлама шериклар кун тартибиде бўлган халқаро меъёр ва стандартларни ҳамда аҳоли ўртасида муносиб банд-

ликни илгари суриш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш каби кенг қўламли стратегик масалаларни қамраб олган «Муносиб меҳнат бўйича янги мамлакат дастури» имзоланди. Халқаро меҳнат ташкилоти ушбу дастурни амалга оширишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлайди ва яқин ҳамкорликни давом эттиради.

Семинарда Касаба уюшмалари Федерацияси ва Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ўртасида қабул қилинган қўшма тадбирлар режаси асосида ҳамкорликда амалга оширилаётган

тадбирлар ва уларнинг натижалари, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Миллий мониторинг жараёнининг бориши, меҳнатга адолатли ҳақ тўлашдаги вазифалар муҳокама этилди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар учун яратилаётган муносиб меҳнат шароитлари, бу орқали меҳнаткашлар турмушида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, касаба уюшмаларининг норасмий ва ностандарт бандлик бўйича мониторинги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Миллий ва халқаро экспертлар мулоқот ниҳоятда фойдали ва самарали бўлгани ҳамда ходимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлашди.

Семинарда пахта теримчилари учун яратилган меҳнат ва дам олиш шароитлари, миллий мониторинг жараёнлари тўғрисидаги видеорепортаж ҳам намойиш этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

### Жиззах вилояти

## МУШТАРИЙЛАР билан мулоқот

Газетхонларга яхши маълумки, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодий жамоаси республикамиз бўйлаб муштариёлар билан ижодий мулоқотларни анъанага айлантирган.

Бу йилги илк учрашув Жиззахлик муштариёлар билан ташкил этилди.

Жиззах вилояти кўғирчоқ театрида бўлиб ўтган учрашувда

журналистлар, зиёлилар, газета тарқатувчилар, касаба уюшма фаоллари ва муштариёлар билан юзма-юз мулоқот қилинди.

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси Нусратилла Пардаев очиб, кейинги йилларда «Ishonch» газетаси чоп этилаётган мақолалар ранг-баранглиги ва долзарблиги билан ўқувчилар эътиборини қозонаётганини таъкидлади.

>>> 2



Келгуси сонларда ўқинг...

ЎЗУМИНИ ЕНГ,  
БОҒИНИ ҲАМ  
СУРИШТИРИНГ

ХАЛҚ МАҚОЛИНИ  
БУЗИБ АЙТМАЙЛИК

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ  
АФЗАЛЛИКЛАРИ



Сирдарё вилояти

Бухоро вилояти



Андижон вилояти

## Тасаввурлар кенгайди

Учрашув

Таълим ва фан ходимлари касабаси Сирдарё тумани кенгаши Сирдарё педагогика коллежидан уч авлод учрашувини ўтказди.

Учрашув давомида тадбир иштирокчилари тумандаги таълим бериш тажрибаси, устозлар фаолияти билан боғлиқ маълумотларга эга бўлишди. Меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Абдуқодир Сафаров, Халқ таълими аълочилиги Мавлуда Нукурадзелар ҳаёти ва меҳнат фаолияти давомида тўплаган бой тажрибаси, ёшлик давридаги ўзига хос қийинчиликлар, меҳнат жара-

ёнидаги машаққатлар, ниҳоят, нурунийлик пайтида кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳақида ўз дил сўзларини, самимий фикрларини билдиришди.

Қизиқарли суҳбатдан сўнг фахрийларга, шунингдек, бу йил ўзларининг юбилей ёшларини нишонлаётган бир гуруҳ устозларга эсдалик совғалари топширилди.

Бу йил олий таълим даргоҳларини битириб, умумтаълим мактабларига биринчи бор ишга қабул қилинган 15 нафар ўқитувчи касабаси уюшмаси аъзоларига қабул қилинган эди. Ёш мутахассисларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг аъзолик билетларини фахрий устозлар тантанали равишда тақдим этдилар.

– Бугунги учрашувда таълим соҳасида

фидойилик кўрсатган устозлар билан мириқиб суҳбатлашиб, ўзимга керакли маълумотларга эга бўлдим, – дейди 40-сонли ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Замира Худойназарова. – Улар иш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги, айниқса, билим бериш, дарсни муқаддас ҳисоблашни бот-бот таъкидлашди. Уларнинг қўлидан касабаси уюшмасига аъзолик билетларини қабул қилишимиз, бизга билдирган яхши тилаклари кўпроқ ҳаяжонга солди. Бу воқеа касабаси уюшмаси ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитди.

Алижон МАМАРАСУЛОВ,  
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Ромитан тумани кенгаши «Касаба уюшмалари – Ватан равнақи, халқ манфаатлари йўлида» шиори остида байрам тадбири ўтказди.

Тадбир

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Тумандаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасалари касабаси уюшмаси раислари, фаоллари ва фахрийлари иштирок этган анжуманда сўзга чиққанлар иштирокчиларни яқинлашиб келаятган Касаба уюшмалари куни билан қутлаб, касабаси уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда Ромитанда ўзига хос тажриба мактаби яратилганини эътироф эттишти.

Таъкидланганидек, ўтган даврда касабаси уюшмалари барча соҳаларда ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида кўплаб ижобий ишларни амалга оширди.

Айниқса, сўнгги йилларда касабаси уюшмалари жамиятининг муҳим бир бўғини сифатида эзгу ташаббусларни рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда туманда ишчи-ҳодимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилляпти.

Тадбирда 92 нафар касабаси уюшма фаоли ва фахрий тақдирланди. Ижро этилган куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринчилик бағишланди.

Солиҳ ЭЛИЕВ,  
Ромитан туманидаги 8-умумтаълим мактаби бошланғич касабаси уюшмаси раиси



# МУШТАРИЙЛАР билан мулоқот

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Хусан Эрматов ўз чиқишида газета саҳифаларида таҳлилий ва танқидий мақолаларга кенг ўрин берилаётгани, ҳар йили газетада 150 тадан ортиқ танқидий мақолалар эълон қилиниши ва уларнинг 70 фоизи ижобий ҳал этилаётганига алоҳида тўхтади. Шунингдек, газетада таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий мавзуларда бериб борилаятган таҳлилий мақолалар ҳамда «Жавобини кутаётган саволлар», «Ishonch» саволи, «Касаба уюшмаси аралашган...» каби рунлар остида берилаётган материаллар муштарийларнинг газетага қизиқиши янада ошишига сабаб бўлаётгани айтилди.

Қизғин мулоқотда иштирокчилар қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиришини билиш, газетанинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш борасидаги таклиф ва тавсияларини билдиришди.



– Кейинги йилларда «Ishonch» газетасида чоп этилаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар муштарийларни бефарқ қолдираётгани йўқ, – дейди Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари Республика кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилот-

чиси Бахрулло Қодиров. – Бугун газетада одамларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларни акс эттирувчи ҳаётий мақолалар кўпаяётганини кўряпмиз. Соҳамиздан келиб чиқиб ҳамкасблар билан газетада чоп этилаётган таълимга оид долзарб мавзудаги мақолаларни доимий муҳокама қиламиз.

Истагимиз шуки, газета саҳифаларида бундай мавзудаги мақолалар янада кўпроқ эълон қилинса. Чунки таълим бу – келажак!

– Бугунги учрашув жуда қизиқарли ва самимий ўтди. Мен бу ерда устоз журналистлар ва ҳамкасбларимнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, ўзим

учун кўп нарса олдим, – дейди «Жиззах овози» газетаси муҳбири Шахноза Мансурова. – Ҳақиқатан ҳам, «Ishonch» газетаси бугун республикамиздаги етакчи нашрлардан бирига айланди. Унинг ҳар бир сониди, албатта, камиди битта долзарб мавзу кўтарилади. Шунинг учун ҳам газетани катта қизиқиш билан ўқиб, кузатиб борамиз.

– Кейинги йилларда газета ҳар жиҳатдан ўзгарди. Аввало, мавзуларнинг ранг-баранглиги, таҳлилий мақолалар, асосли хулосалар, таклифлар газетани бефарқ қолдираётгани йўқ. Қолаверса, дизайни ҳам ўзига хос. Ishonch билан айтиш мумкинки, газета бугун танқидий мақолалар бериш бўйича етакчилик қилмоқда, – дейди Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг Жиззах вилояти бўйича муҳбири Абдужалол Қаюмов.

Ижодий учрашувда иштирокчилар ўртасида касабаси уюшмалари фаолияти, меҳнат қонунчилиги, «Ishonch» газетасига оид викторина саволлари ўйналди. Қизиқарли ва мураккаб саволларга ҳозиржавоблик билан энг кўп тўғри жавоб берган ўн нафар иштирокчига тахририятнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шу билан бирга, вилоятдаги олий ўқув юртли раҳбарлари, нурунийлар, касабаси уюшма фаоллари ҳамда ОАВ вакилларига Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим» китоби тақдим этилди.

– Ушбу китобни ҳар биримиз ўқишимиз керак, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах вилояти ҳудудий кенгаши раиси Зулпон Сафаров. – Унда Янги Ўзбекистондаги бугунги туб ўзгаришлар, ички ва ташқи сиёсат, давлатимиз раҳбарининг одилона ислохотлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Энг муҳими, буларнинг барчаси оддий ўқувчи ҳам тушунарли тилда ёзилган.

Тадбир давомида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда уюшманинг Жиззах вилояти бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашиш борасида меморандум имзоланди.

Барчада катта таассурот қолдирган ижодий учрашувга санъат усталарининг қизиқлари янада фойда киритди.

Мўқимбой ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»



## Хонадонларга фойз кирди

Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳининг фаолияти самарасида шу кунларда Хонобод шаҳрида 3 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланди. «Аёллар дафтари»га кирган 4 нафар аёлнинг уй-жойи таъмирлаб берилди.




– 2 нафар фарзандим билан ёлғиз яшайман, – дейди «Хонтоғ» маҳалласидаги кўп қаватли уйда яшовчи Шахнозагон Исмоилова. – 10 ойлик чақалогим билан ишлаш имкониятим йўқ. Бир томони хонадоним таъмирга муҳтож бўлиб қолди. Қариндош-уруғлар ҳам ўзидан ортмайди. Туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Шукр, вақтида кўнгилдагидай қилиб, таъмирлаб беришди. Ҳаётимга фойз кирди.

2022 йил давомида хонободлик 11 нафар уй-

жойга муҳтож хотин-қизга «Янги Андижон»дан қурилиш тугалланаётган кўп қаватли уй-жойларнинг бошланғич бадали тўлаб берилди.

Эътиборлиси, вилоятда «Аёллар дафтари»га киритилган 158 нафар хотин-қизнинг турар-жойга эҳтиёжи борлиги аниқланиб, шу кунгача 100 нафардан зиёдига уй ажратилди. Ушбу мақсадда 5 миллиард 305 миллион сўм маблағ сарфланди.

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»



## 37 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилди

Ёзёвон туманида ўтказилган хайрли тадбирда «Аёллар дафтари»га киритилган 37 нафар хотин-қизга тикув машиналари берилди.

Тадбирда ҳоким ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўз олганлар тикув машинасига эга бўлган хотин-қизларнинг келажакда чеварчилик фаолияти билан шуғулланиб, тадбиркорликни йўлга қўйишларига ишонч билдирдилар.

– Ишсизлигим боис «Аёллар дафтари»га киритилган эдим, – дейди Зарифахон Маматалиева. – Мана, бугундан бошлаб рўзгоримга барака кирадиган бўлди. Энди чеварчилик хунаримни бемалол ривожлантириб, даромад топишим мумкин.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,  
«ISHONCH»



# ДУНЁНИ ЧИН СЎЗ ВА ДАДИЛ ҚАРАКАТЛАР ИШОНТИРА ОЛАДИ

## Ўзбекистон учун дунё бозорлари очилди

ХАБАРИНГИЗ БОР, ЯҚИНДА АҚШ МЕХНАТ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ПАХТА ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАХСУЛОТЛАРНИ АҚШГА ОЛИБ КИРИШГА ҚЎЙИЛГАН РАСМИЙ ЧЕКЛОВ БЕКОР ҚИЛИНДИ. УШБУ ХУШХАБАР НАФАҚАТ ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ХОДИМЛАРИ, БАЛКИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗ АҲЛИНИ ХУРСАНД ҚИЛМОҚДА. ЗОТАН, БУНДАЙ ТАҚИҚЛАРНИНГ ҲИЛОЛИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДА ҲОЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУ МАЪНОДА, СИЁСАТШУНОС ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ «ДУНЁНИ ТАН ОЛДИРИШ ОСОНМИ?» МАҚОЛАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ ДИЛИДАГИ ГАП БЎЛДИ, ДЕСАК, АЙНИ ҲАҚИҚАТ. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ЖАМОАТЧИЛИК ТОМОНИДАН ЖУДА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУТИБ ОЛИНГАН УШБУ МАҚОЛАГА ЭКСПЕРТЛАР, ЗИЁЛИЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ОДДИЙ ОДАМЛАР, ҚЎЙИЛГАН, ЮРТИМИЗДАГИ ТАРИХИЙ ЯНГИЛИНИШЛАР ЖАРАЁНИГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН КЕНГ АҲОЛИ ҚАТЛАМИДАН БЕВОСАТИТА ТАҲРИРИЯТГА ЙЎЛЛАНАЁТГАН ЁКИ ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ОРҚАЛИ МУНОСАБАТЛАР КЕЛИШДА ДАВОМ ЭТАЁТИР. УЛАРДАН АЙРИМЛАРИНИ С.Э. АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАРГА ИЛИНДИК.

Сийосатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Дунёни тан олдириш осонми?» мақоласида ҳақли равишда эътироф этилганидек, атиги беш-олти йил илгари пахта-тўқимачилик нафақат етиштириш, ҳатто сотиш ҳам минг машаққат билан бўлар эди. Тақлиф этилаётган тола ёки маҳсулотимиз эталон даражасида бўлса, қоқи баҳосида нарх қўйиларди. Сабоби, халқаро байкот ва чекловлар эркин савдога изн бермасди. «Мажбурий меҳнат», «болалар меҳнати» деб аталмиш тўқимачилик сановати оёғига «чил» солини келди.

Нихоят, у «қора кунлар» орта қолди. Ўзбекистон тақлифларга сабаб бўлган омилларни бартараф этганини дунё тан ола бошлади. Ўзбекистон учун дунё бозорлари очилди. Лекин бунга осонликча эришилганини халқимиз кўриб-билиб турибди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ислохотларнинг янги босқичи қишлоқ ҳўжалиги, айнан пахтачилик тармоғидан бошланди, десак, ҳато бўлмайди. Соҳада давлат иштирокини камайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, қўлай агробизнес муҳити ва қўшилган қиймат занжирини яратиш йўналишларида бозор иқтисодиётининг сигналларини жорий этилди. Асосийси, ўтмишда хатоларни такрорламасдан пахтачиликни энг даромадли тармоқлардан бирига айлантириш мақсади сари дадил қаддам ташланди. Бу жараёнда шаффофликни ошириш, аҳборот олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг 2021 йил 16 ноябрдаги «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, айтиш мумкинки, пахта-тўқимачилик сановати олдида турган муаммолар ечимига кенг йўл очиб берди. Нега деганда, пахта етиштириш ва қайта ишлашнинг кластер усули жорий этилган, пахта йилгич-теримда бола-лар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилди.

Давлатимиз раҳбари талаба-ёшлар билан учрашувда бу ҳақда тўхталиб, шундай деган эди: «Пахта теримига мактабларни (чиқаришни) йўқ қилдик, пахта теримига бюджет ташки-



Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Халқаро Нордик университетининг ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

лотлари, шифокорларни (чиқаришни) йўқ қилдик. Бу худдики оддий ҳолат. Бу оддий ҳолат эмас. Бу – революция ҳолати».

Чиндан ҳам, бугун пахтачиликда инқилобий ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Ахир, 12 йилдан ортиқ амал қилган бойкот олиб ташланиши оддий гап эмас. Бу нафақат «Cotton Campaign» халқаро коалицияси, балки унинг чакриғига қўшилган 331 та халқаро бренд ҳамда ритейерлар ҳам ўзбек пахтасини етиштириш ва йиғиштириб олишда мажбурий меҳнат йўқ эканлигини тан олганини аёнлашди.

2022 йилнинг 28 сентяб-рида Америка Қўшма Штатлари Меҳнат вазирлиги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилгани эса янги савдо йўлаклари очилишига хизмат қилади.

Маълумки, АҚШ жаҳоннинг энг йирик бешта пахта етказиб берувчи мамлакатлари – Хитой, Ҳиндистон, Бразилия ва Покистон қаторида. Бу давлатларда дунё пахтасининг тўртдан уч қисмидан кўпроги етиштирилади.

Экспертларнинг фикрича, ақин орада Ўзбекистон Марказий Осиё пахтаси учун курашда, асосан, Бангладеш ва Хитой компаниялари билан рақобатлаша оладиган қудратга эга бўлади. Бунга ниманинг эъзига эришилади? Албатта, кластерлар тўғрисида. Улар томонидан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳалар бунда ҳаракатлантирувчи куч – «драйвер»га айланади.

Утган қисқа давр ичида ортирилган тажриба шуни кўрсатмоқдаки, пахта-тўқимачилик кластерларининг устун жиҳатлари кўп. Аввало, бу аҳоли бандлигини таъминлашда намоён бўлмоқда. Ҳар 100 гектарда 15-25 нафар киши доимий иш билан таъминланиб, уларга меҳнат дартфасди очилмоқда ва оёқлик маош берилмоқда. Афсуски, фермер ҳўжалиқларида ҳар доим ҳам бунинг урдадан қишлоқчилик эди.

Қолаверса, кластерлар томонидан йирик завод ва фабрикалар ишга туширилиб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўли қўйилди. Бухородаги «BCT Cluster», Тошкент вилоятидаги «ICT Cluster», Қўқондаги «Индорама Ко-канд текстиль» кластер-

лари фаолияти мисолида айтганим бўлса, улар экспортчи сифатида таққиб бозорда тез танилмоқда. Масалан, фермерлар томонидан бир килосан 1,5 долларга сотилган бўлса, кластерлар пахта хомаёсини бундай арзон баҳога сотмапти. Улар 1,5 долларлик хомаёсини 25 доллар ёки ундан ҳам кўп қийматга айлантириб, тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилишга интиляпти.

Маълумотларга кўра, 2022 – 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгилаб олинган. Натияжада хомаёсини чўқур қайта ишлаш бўйича қўшимча қиймат занжирини йўлга қўйиб, 350 мингта янги иш ўринлари яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баравар ортади.

Жорий йилнинг 7 июлида қабул қилинган «Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори соҳада яқин истиқболда белгиланган шу каби режалар ижросида дастуриямал бўлади.

Қисқача айтганда, ўзбек пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига қўйилган чекловларнинг ечилиши мамлакатимизда миллионлаб янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажминини ошириш ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамият-лидир.



## Халқимиз ўз меҳнатидан рўшнолик кўришга ҳақли



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

2022 йилнинг 10 март санаси ўзбек пахта-тўқимачилик соҳасида тарихий ғалабага эришилган кун сифатида ёдимиздан ўчмайди. Сабоби, ўша кун «Cotton Campaign» халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахта-сига нисбатан бойкот бекор қилинди. Айни чоғда, бу болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилгани жаҳонда тан олинганнинг ёрқин тасдиғи бўлди. АҚШ Меҳнат вазирлиги томонидан тўқимачилик

босқичида иқтисодий юксалишимизга соя солиб келган пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга узил-кесил нуқта қўйилди. Соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий шакли – пахта-тўқимачилик кластерлари вужудга келди. Президентимиз ғояси асосида йўлга қўйилган ушбу тизим нафақат пахтачиликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, балки уни сановатлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ҳам асосий кучга айланмоқда.

Соҳадаги ана шундай таркибий ўзгариш ва сифат янгилинишлари тўғрисида ўнлаб йиллар давомида тақиқда бўлган оқ пахтаимиз «қора рўйхат»лардан чиқарилди. Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётимизнинг энг жозибабали соҳаларидан бирига айлана бошлади. Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган банклари, хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки каби йирик молия институтлари ва инвесторлар томонидан юртимизга катта сармоялар киритилаётгани бунинг тасдиғидир.

Ҳаётни янги ҳақида гап кетганда, шу пайтгача меҳнат тақсими отиғина эмас, балки ундан олинмаган фойда ҳам ижобий тенденцияга эга бўлмаганини айтишимиз зарур. Президентимизнинг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иқтисодий юксалишимизга соя солиб келган пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга узил-кесил нуқта қўйилди. Соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакли – пахта-тўқимачилик кластерлари вужудга келди. Президентимиз ғояси асосида ташкил этилган ушбу тизим нафақат пахтачиликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, балки уни сановатлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ҳам асосий кучга айланмоқда.

Ислохотларнинг янги босқичида иқтисодий юксалишимизга соя солиб келган пахтачиликдаги мажбурий меҳнатга узил-кесил нуқта қўйилди. Соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий шакли – пахта-тўқимачилик кластерлари вужудга келди. Президентимиз ғояси асосида ташкил этилган ушбу тизим нафақат пахтачиликда йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, балки уни сановатлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ҳам асосий кучга айланмоқда.

аграр соҳада узоқ йиллар давомида сақланиб келаётган стереотипларни тубдан ўзгартирди.

Ушбу ҳужжатга асосан, сўнги юз йилликда деҳқонлар «оёғига тушув» бўлиб келган пахта бўйича давлат буюртмаси бекор қилинди. Соҳага бутунлай янгича ёндашилиб, кўплаб ҳудудларда пахта етиштиришга барҳам берилди. Эътиборлиси, пахта майдонлари қисқартирилишига қарамастан, ялпи ҳосил микдори камайгани йўқ. Кластерлар томонидан амалиётга илм-фан ютуқлари, интенсив агротехнологиялар қўлланилаётгани, суғоришнинг тежамкор усулларидан фойдаланилаётгани тўғрисида мўл ҳосил етиштирилимоқда. Аграр соҳадаги унумдорлик, демакки, нафақатдорлик, тармоқда меҳнат қилаётган инсонларнинг турмушига ҳам ёруғлик, фаровонлик олиб кирапти.

Ҳисоб-китобларга кўра, пахтаимизга қўйилган бойкотнинг олиб ташланиши тўқимачилик сановати маҳсулотлари экспортини икки баравар ошириши кўтилмоқда. Сиртдан қараганда, АҚШнинг тўқимачилик маҳсулотларимиз импортдаги улushi у қадар юқори эмасдек туюлиши мумкин. Лекин турли чекловларнинг расман бекор қилиниши наинки савдо-сотиқ алоқаларини, балки сармоявий муносабатларнинг ҳам янги босқичга кўтарилишига кенг йўл очади. Мана, исботи:

## ЭЪТИРОФ



Патриция Жүревич ва Беннетт Фриман, «Cotton Campaign» асосчилари:

– Ўзбекистонда кластерлар кўринишидаги вертикал интеграция орқали пахта билан боғлиқ барча жараён шу ернинг ўзида амалга оширилишига имкон бор. Бунда пахта етиштирувчилардан тортиб то охириги маҳсулот тайёр бўлгунча жараёнларда тўла шаффофлик ва кузатувчанликка эришиш мумкин. Бу жуда ноёб ҳодиса ва халқаро ҳамжамиятнинг ўзига жалб қила олади. Кластерлар уюшмаси эса, бу албатта, яхши, у орқали кўплаб иш ўринлари яратиш, қолаверса, пахта сановатида ишловчиларнинг ҳаётини яхшилаш олиш мумкин.



Тea Ли, АҚШ Меҳнат вазирлигининг таққи ишлар бўйича ўринбосари:

– Ўзбекистоннинг меҳнат стандартларига содиқлиги ва қондаларга бўйсунуши, мамлакатда етиштирилган пахтадан фойдаланиш ва унга сармоя киритишга халқаро қизиқишни жонланганди. Ушбу иқтисодий ўсish имкониятларидан фойдаланиш учун иш берувчилар муносиб меҳнат шaroитларини таъминлаши, ишчиларнинг овози ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиши керак. Шу билан бирга, ишчиларга меҳнат амалиётини қонуний ҳимоялаш ва меҳнат қонунчилиғига риоя этиш тизимларида қатнашиш учун воситалар керак бўлади.

## Текин меҳнат манбаига чек қўйилди

Сийосатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Дунёни тан олдириш осонми?» мақоласида қишлоқ ҳўжалиги таққиб бозордаги талаб ва тақлифни инобатга олган ҳолда белгиланадиган, пахта-тўқимачилик жорий қилинмоқда. Шаҳсан Президентимизнинг ташаббуси билан тизим ва солиқчи сақлаш соҳасида хизмат қилаётган ходимларнинг нўфузи жойига қўйилиб, ушбу соҳа вақиларига энди «текин меҳнат» манбаи сифатида қаралишига чек қўйилди.

Мақоладаги ана бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Мамлакатимизда кейинги 5-6 йил ичида пахтани чўқур қайта ишлаш, аиникса, текстиль соҳасининг тез сурияларда ривожланаётгани ҳам деҳқоннинг оғирини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Ушбу натижаларни юксалтириш ва бардавомлигини таъминлаш учун энди шаклланиб бораётган агрокластерлар қишлоқ ҳўжалигини сановат билан боғловчи яққо янгона тизим эканлигини ангалишимиз ва тақомиллаштириш лозим.

Ўзбек пахтасининг «қора рўйхат»лардан чиқарилиши нафақат пахтачилик ва пахта хомаёсини қайта ишлаш соҳасидаги ўзгаришлар билан асосланади, аинки пайтда мамлакатимиз имжого салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларнинг оқибатларини эмас, балки келиб чиққш сабабларини бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилаётгани билан изоҳланади.

Бугунги глобал ўзгаришлар, ташқи омиллар таъсири кўчаий бораётган бир пайтда Ўзбекистон олиб бораётган прагматик ташқи сиёсат, ақин ва узоқ кўшилар билан дўстона алоқалар ўрнатилаётгани мамлакатимизни

диқ манфаатдорлик измига тушмади. Оқибатда «сиртмоқ»дан халос бўлиш хоҳиши бўлса-да, болалар, аёллар, ўқитувчилар, тибобий ходимлари мажбурий меҳнатга жалб этилаверди. Нега? Бунинг сабаблари нимада эди?

Мустабид тузумдан мерос қолган режалаштириш тизимидан воз кечилгани билан, қишлоқ ҳўжалиги амалиётда, аиникса, пахтачилик ва ғаллачиликда марказдан туриб бошқаришга барҳам берилмади. Нимани қаерда ва қачон экиш, қачон йиғиштириб ва

Бугунги кунда юртимиздаги кластерларнинг 17 тасида пахтани қайта ишлашнинг бешта босқичи, 22 тасида тўртта, 30 тасида учта, 36 тасида 2 та ва 16 тасида битта босқичи қамраб олинган. Устувор режага кўра, яқин келажакда барча кластерлар беш босқичли чўқур қайта ишлаш тизимига тўлиқ ўтади. Шу мақсадда 2022 – 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгилаб олинган. Натияжада хомаёсини чўқур қайта ишлаш бўйича қўшимча қиймат занжирини йўлга қўйиб, 350 мингта янги иш ўринлари яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баравар ортади. Эндиликда ўзбек тўқимачилик сановатчилари 331 та халқаро бренд ҳамда ритейерларнинг буюртмасини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бу – ўзбек пахта толаси ва у асосида тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорлари очилди, дегани.

нинг харид нархлари бозордаги талаб ва тақлифни инобатга олган ҳолда белгиланадиган, пахта-тўқимачилик жорий қилинмоқда. Шаҳсан Президентимизнинг ташаббуси билан тизим ва солиқчи сақлаш соҳасида хизмат қилаётган ходимларнинг нўфузи жойига қўйилиб, ушбу соҳа вақиларига энди «текин меҳнат» манбаи сифатида қаралишига чек қўйилди.

Мақоладаги ана бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Мамлакатимизда кейинги 5-6 йил ичида пахтани чўқур қайта ишлаш, аиникса, текстиль соҳасининг тез сурияларда ривожланаётгани ҳам деҳқоннинг оғирини енгиллатишга хизмат қилмоқда. Ушбу натижаларни юксалтириш ва бардавомлигини таъминлаш учун энди шаклланиб бораётган агрокластерлар қишлоқ ҳўжалигини сановат билан боғловчи яққо янгона тизим эканлигини ангалишимиз ва тақомиллаштириш лозим.

Ўзбек пахтасининг «қора рўйхат»лардан чиқарилиши нафақат пахтачилик ва пахта хомаёсини қайта ишлаш соҳасидаги ўзгаришлар билан асосланади, аинки пайтда мамлакатимиз имжого салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларнинг оқибатларини эмас, балки келиб чиққш сабабларини бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилаётгани билан изоҳланади.

Бугунги глобал ўзгаришлар, ташқи омиллар таъсири кўчаий бораётган бир пайтда Ўзбекистон олиб бораётган прагматик ташқи сиёсат, ақин ва узоқ кўшилар билан дўстона алоқалар ўрнатилаётгани мамлакатимизни



Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори

маҳсулотларимиз штатларга олиб кирилишига қўйилган расмий чекловларнинг бекор бўлиши эса навбатдаги ана бир муҳим ғалабадир.

Зотан, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси тўғрисида қишлоқ ҳўжалиги соҳаси тубдан модернизация қилиниб, «Инсон қадрини ўқини» тамойили тўлиқ ҳаёт таъбиқ этиляпти. Натияжада Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ошиб, муносиб ҳамкор сифатида эътироф топаётди. Аммо муаллиф ҳақли равишда ургулаганидек, бугун «дунёни тан олдириш осонми?»

Албатта, йўқ. Ўзингиз ўйланг, минг бир машаққат билан ҳосил етиштириб, қайта ишланган, унга талаб бор бозордан тақлиф ололмаган, бундан кимга наф? Фақат «ўртақаш»ларга!

Дунё миқёсида оладиган бўлса, 80 дан ортиқ давлатда ҳар йили 35 миллион гектарга яқин майдонларга чигит экилади. Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида 200 миллион нафар киши меҳнат қилади. Етиштирилган ҳосил чўқур қайта ишлангани эвазига эса 92 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Афсуски, яқин-яқингача ана шунча турдаги сановат маҳсулотларимиз учун жаҳон бозорларининг эшиги ёпиқ эди.

Шўқри, ислохотларнинг янги

ва ҳосилини йиғиб-териб ишларида кўл меҳнатига зўр берилганда эди. Чўқри соҳани механизациялаштиришга етарли даражада эътибор қаратилмаганили оқибатида етти ёшдан етмиш ёшгача барча – катталар ҳам ўқувчи ва талабалар ҳам мажбуран далага чиқаришган.

Афсуски, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ҳам мажбурий меҳнатнинг айрим шакллари кўзга ташланиб турди. Ўзгаришлар пахтачилик тармоғида жуда секин кузатилиб, пахта ўзбек деҳқончилиги даромад манбаига айланмади, мод-

кимга, қанчага сотиш деҳқоннинг иқтиёрида эмас эди.

Нархлар эркинлашмаганлиги тўғрисида пахта хомаёсини етиштириш энг машаққатли меҳнат бўлишига қарамастан, қиймат занжирини энг кам даражада келтириладиган соҳа бўлиб қолди кетаверди. «Қаймоқ»нинг мазасини эса қайта ишловчилар ва таъминотчилар кўраверди.

«Ислохот» деб қолқозин санация қилиб кўрдик, бўлмади. Фермер ҳўжалиқларини «энига» ва «буйига» қараб катта-кичик қилдик, барбир, ер эгасини топмади. Замонлар ўзгарди-ю, ле-

чиқилган «ҳашарчилар» йўқ? Бунга мақолада етарлича жавоблар берилган.

Шу ўринда, ушбу масаланинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратсак, Кейинги йилларда Ўзбекистонда ер ва сув муносабатларида деҳқон манфаатларидан келиб чиқиб, сивас олиб берилди. Деҳқоннинг нонини яримта қилиб кетадиган таъминотчилар ва айрим «қаққонларнинг» жолови тийиди. Кластерлар ва фермерлар ҳамда таъминотчилар ўртасида бозор тамойиллари асосида муносабатлар ўрнатила бошланди. Натияжада пахта ва ғалла-

мизни Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий иштирокчиларидан бирига айлантирди. Шу ўринда Ўзбекистон пахтасининг, таъбир жоиз бўлса, «оқланганлигини» ҳам бунинг тасдиғи сифатида қабул қилишимиз мумкин. Нима бўлганда ҳам, бу – Ўзбекистон учун улкан натижа юксак эътироф. Бунинг аслик таққирланганини яққо сифатида қараса, муаллиф айтганидек, кўзларда ёш билан қарши олинмаган оламшумул ғалабадир.

Сирасини айтганда, Президентимиз 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қишлоқ ҳўжалигини интенсив ривожлантириш мақсадини белгилаб берган. Ушбу йўналишда ислохотларни изчил давом эттириб, ютуқлар бардавомлигини таъминлашимиз кўли қадоқ деҳқон олдидаги юксак бурчимиз ҳисобланади.



# УСТОЗЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗДА

Тадбир

Ёши улўғлар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг ҳол-аҳволидан тез-тез хабар олиб туриш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Шунга кўра, айна кезларда юртимиз бўйлаб «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат» ғояси остида ҳафталик тадбирлар ўтказилмоқда.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташкиллаштирган «Устозлар қадр топган юрт» номли тадбир ҳам диққатга моликдир. Унда узоқ йиллар қалам тебратиб, самарали меҳнат қилган фахрий журналистлар, таниқли суҳандонлар, шунингдек, ҳозир теле-радиоканаллар ва босма нашр-

ларда фаолият юритаётган бой тажрибага эга устозлар иштирок этишди. Тадбир жараёнида юбилей ёшини қоралаган ижодкорларга уюшма томонидан қимматбаҳо совғалар берилди. Бошқа бир гуруҳ журналистларга эса янги намунадаги уюшмага аъзолик билетлари ва кўкрак нишонлари

топширилди. Шинамгина қилиб безатилган дастурхон атрофида уюштирилган тадбир миллий куй-кўшиқлар оғушида ва устозларнинг самимий дуолари остида кўтаринки руҳда ўтди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА  
«ISHONCH»

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi

ISSN 2020-5003

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ  
(таҳрир хайъати раиси),  
Улўғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,  
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Меҳриддин ШУКУРОВ  
(Масъул котиб – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи юрстиллици шарт.  
Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

- Навбатчи муҳаррир:**  
А. Ҳайдаров  
**Масъул:**  
Д. Худойберганаева,  
Д. Равшанова  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 00:30  
Топшириш – 01:10

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г-1006** 31342 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоиси келишилган нарҳда**

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «poteka bank»  
Ишонбод филиали,  
банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130

Жиззах вилояти

Орамиздаги одамлар

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Жиззах шаҳар кенгаши 5683 нафар аъзога эга. Улар барча жабҳаларда фаоллик кўрсатиб, турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Бунда 2015 йилдан буён кенгашга раҳбарлик қилиб келаётган Рустам Исақовнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда.



## Максим билан дўстлашув

Ҳамкорлик

Германиядаги Фрайбург клиникаси кардиология ва кардиохирургия соҳаси бўйича дунёда энг илғор тиббиёт маркази ҳисобланади. Яқинда Тошкент тиббиёт академияси ректори Алишер Шодмонов мазкур клиника вакиллари, шунингдек, Германиянинг таниқли ОРАССА компанияси делегациясини қабул қилди.

Учрашувда ТТА негизда Халқаро олий онкология мактаби (ИХСЕ) ташкил этилиб, у ерда Германия таълими ва илмий дастурлари тажрибаси асосида катта марказ ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Томирлар ўртасида тузилган шартномага кўра, ОРАССА Халқаро олий онкология мактаби учун муҳим ихтисосликлар бўйича тажрибалар алмашилади.

Делегация таркибига энг кичик меҳмон 8 ёшли Максим Моргенштерн ҳам бўлиб, у шахримиздаги 191-мактабга бориб, тенгқурлари билан яқиндан танишди. Максим ота-онаси ва бобоси билан Ўзбекистонга келишни интиқиб кутганди. Барча болалар сингари Максимнинг жажжи тасавурида ҳам ўзга мамлакатлар эртақлардаги каби сеҳрли туюларди. Айниқса, у қувшли ўлка тўғрисида онасидан эшитганларини ўз кўзи билан кўргиси келарди.

Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор А.Шодмоновнинг «Максим, ўзинг сингари болалар ўқийётган мактабга боришни истайсанми?» деган саволидан қувониб кетди. Сўнг онаси, бобоси ҳамда Мангейм клиникаси Бош директори Фредди Бергманн ва Тошкент тиббиёт академияси профессорлари ҳамроҳлигида Олмазор туманидаги 191-ўрта мактабга йўл олди.

Меҳмонларни мактаб директори ва ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар самимият ила қарши олдилар. Болалар бири ўзбек, бири рус, бири инглиз тилида германиялик тенгдошларига мактаб ҳаёти, ўз қизиқишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Дастлаб бироз тортиниб, қимтиниб турган Максимни кутубхона ва ўғил болалар



учун мўлжалланган махсус дурадгорлик турараги, айниқса, мусиқа хонаси жуда қизиқтириб қолди. Болалар эсдалик учун суратга тушдилар.

Кейинги синф хонасидаги суҳбат ҳам жуда мароқли кечди. Максим ўзбек ўқувчиларига отада сайр қилиб, пианино чалишга бўлган қизиқишлари ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида, мезбонлар ҳам фан ва таълим, мусиқа, санъат, айниқса, спортда эришган кичик ютуқлари ҳақида тўлқинланиб гапириб беришди. Етти ёшли Иброҳим спортдаги ютуғини, Усмон эса беш ёшида Германияга қилган саёҳати хусусида ўз таассуротларидан сўз очди.

Фойдали меҳнат ва хунарга ўргатиш мақсадида ташкил этилган дурадгорлик тураригидан Максим янги дўстлар орттириб чиқди. Меҳнат фани

қилиб саёҳати хусусида ўз таассуротларидан сўз очди. Фойдали меҳнат ва хунарга ўргатиш мақсадида ташкил этилган дурадгорлик тураригидан Максим янги дўстлар орттириб чиқди. Меҳнат фани қилиб саёҳати хусусида ўз таассуротларидан сўз очди.

Гулчехра МИРЗАЕВА,  
Тошкент тиббиёт академияси  
матбуот котиби

**МАКСИМ ОТА-ОНАСИ ВА БОБОСИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШНИ ИНТИҚИБ КУТГАНДИ. БАРЧА БОЛАЛАР СИНГАРИ МАКСИМНИНГ ЖАЖЖИ ТАСАВУРИДА ҲАМ ЎЗГА МАМЛАКАТЛАР ЭРТАҚЛАРДАГИ КАБИ СЕҲРЛИ ТУЮЛАРДИ. АЙНИҚСА, У ҚУВШИЛ ҲАҚИДА ОНАСИДАН ЭШИТГАНЛАРИНИ ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРГИСИ КЕЛАРДИ.**

Қашқадарё вилояти

Эъзоз

## Нуронийлар касаба уюшмаларидан миннатдор

Мамлакатимизда ўтказилаётган «Кексалар ҳафталиги» тадбирлари доирасида Деҳқонobod каллий заводидида фахрийлар ва ишчи-ҳодимлар ўртасида дилбар суҳбатлар бўлиб ўтди.

Шунингдек, завод фахрийлари Шохрисабздаги «Оксарой» мажмуаси ҳамда Китоб туманидаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳига олиб борилиди. Саёҳат давомида меҳнат фахрийлари учун шахмат ва шашка мусобақалари ташкил этилиб, голиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

роқида спорт мусобақалари ҳамда давра суҳбати уюштирилди. «Навбахор» тантаналар уйда нуроний отахон ва онахонларга дастурхон езилди. Фахрийлар Агротранспорт мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Касби тумани кенгаши томонидан муносиб тақдирландилар. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан эса ҳафталик доирасида кўп йиллар суд-хуқуқ соҳасида

ишлаб, пенсияга чиққан Парда бобо Эшматовга «Қашқадарё соҳили» санаторийсига бепул йўлланма тақдим этилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ҳузур тумани кенгаши мутахассислари фахрийлар хонадонларига ташир буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олишди. Касаба уюшма фаолларига эсдалик совғалари топширилди.

Отахону онахонларнинг миннатдорлик сўзларини қанглар эканми, инсон қадри улўғланадиган заминда яшаётганимиздан ич-ичимиздан гурурландик.

Акмал АБДИЕВ  
«ISHONCH»

Муқимбой ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»